

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 251 (10.304)

2004 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ

XXI саҳоси
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТҚАЗИЛИШНИНГ КУЗАТИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови мониторингини иштирок этди.

I. Кузатишни ташкил этиш

Парламент сайлови таъйингарликнинг боришини ва унинг ўтказилишини кузатиш Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 7 октябрдаги таклифига биноан ташкил этилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси бевосита Ўзбекистон Республикасида 2004 йил 30 ноябрда ўз ишини бошлади.

Ҳамдўстлик Кузатувчилар миссияси фаолиятини таъминлаш мақсадида Тошкентда Миссиянинг штаби, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида эса унинг бўлимлари очилди.

МДХ кузатувчилари сайловнинг халқаро кузатилишини амалга ошириш учун уларга зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техникавий шароит яратилганини таъкидлашди.

МДХ Кузатувчилар миссияси вакиллари Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, барча даражадаги сайлов комиссиялари иши билан танишиш ва улардан зарур ахборот олиш, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, депутатликка номзод кўрсатган барча сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқотда бўлиш, сайлов участкаларини эркин кўздан кечириш имкониятига эга бўлишди.

МДХ кузатувчилари ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларига оид андозалар тўғрисидаги конвенция қоидаларига, МДХ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатларга асосланишди. МДХ Миссияси сиёсий бетарафлик, ҳолислик, Ўзбекистон Республикасидаги сайлов жараёнига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда сайловни кузатиш натижалари ҳақидаги ўз хулосаларини чиқарди.

II. Сайлов жараёнини кузатиш

Сайлов жараёнини Ҳамдўстлик давлатла-

ридан 78 нафар халқаро кузатувчи кузатиб борди. Уларнинг бир қисми узок муддатли асосда сайлов мониторингини ўтказди. Улар ўз фаолияти давомида республиканинг аксарият ҳудудларидаги округ ва участка сайлов комиссияларида бўлишди. Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва сайлов кампанияси ўтказилишини таъминловчи бошқа давлат бошқарув органлари раҳбарияти, шунингдек депутатликка номзодлар кўрсатган ташаббускор гуруҳлар, сайловда қатнашаётган барча сиёсий партиялар вакиллари билан ўчрашди.

МДХ кузатувчилари ўз вазифаларини бажариш чоғида сиёсий партияларга, депутатликка мустақил номзодларга, Ўзбекистон Республикаси ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан ҳеч қандай ҳайрихоҳлик билдирмади, баҳо бермади.

МДХ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигини таҳлил қилиб чиқди, сайлов жараёнининг қуйдаги босқичлари мониторингини амалга оширди:

- сайлов округлари ва участкаларини, округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш;
- депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш;
- сайловдаги ташвиқотини ўтказиш;
- сайлов кунини овоз бериш ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш.

МДХ кузатувчилари сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунчиликда белгиланган муддатларда ва Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар календарь режасига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Кузатиш натижаларини умумлаштириш ва бир тизимга солиш асосида сайловга тайёргарликнинг бориши таҳлил қилинди. МДХ Кузатувчилар миссиясининг дастлабки баҳолари дастлабки ахборотномада баён этилди. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни кузатишда бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлардан 149 кузатувчи иштирок этди. Округ сайлов комис-

сиялари томонидан 30 000 дан ортиқ маҳаллий кузатувчи, республика ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 500 га яқин журнали аккредитация қилинди.

Халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилганлиги, шунингдек сиёсий партиялар, мустақил номзодлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов жараёнининг барча босқичлари кузатишда иштирок этиш имконияти яратилганлиги Ўзбекистон Республикасининг сайловларда ошқораликни таъминлаш ва ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга амал қилишга интилишидан далolat-дир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилар миссияси мониторинг давомида халқаро ва маҳаллий кузатувчилар билан амалий ҳамкорликда ишлади.

Шахсий кузатиш натижалари, сайлов жараёни иштирокчилари билан мунтазам мулоқотларда олинган маълумотлар Ҳамдўстлик кузатувчиларига Ўзбекистон Республикаси парламентини депутатлари сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш ҳақида ҳолисона фикрга келиш имконини берди.

III. Сайлов ўтказишнинг қонунчилик асослари

Парламентнинг қуйи палатасига сайловнинг қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида-ги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида-ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонуллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси парламенти (Олий Мажлис) халқ хоҳиш-иродасига асосан бир палаталикдан икки палаталикка айлантирилди ва у Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатдан иборатдир.

МДХ кузатувчилари 1999 йилги парламент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигининг қатор ҳуқуқий меъёрлари сайлов тизимини демократлаштириш йўналишида такомиллаштирилганини қайд этди.

Давоми 2-бетда.

Мамлакатимизда

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Унда тўрт вилоят болалар бадий жамоалари ўз санъатларини намойиш этди.

● Ўзбекистон Банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институтида Ўзбекистоннинг ёш олимлари ва тадқиқотчилари танлови якунларига бағишланган «Банклар ва молия бозорлари» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

● Халқаро Амир Темур жағфармасида Сохбқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишга бағишланган анжуман ўтказилди.

● Кеча Когон шаҳрида жойлашган Бухоро-1 темир йўл станциясида пойтахтдан Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича йўлга чиққан «Шарк» тезюрар поезднинг илк қатнови тантанали равишда кутиб олинди.

● Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Ҳазора» ширкат ҳўжалигида 300 ўқувчига мўлжалланган янги касб-хунар коллежи очилди. Бу ерда маиший хизмат кўрсатишнинг ўндан ортиқ йўналишлари бўйича ўқувчиларга таълим берилди.

● Пастдарғом туманидаги «Улўбекпахтазаводи» акциядорлик жамияти жамоаси томонидан 10200 тонна пахта қайта ишлан-ди, олинган 3304 тонна тола тўлиқ хорижга экспорт қилинди.

Жаҳонда

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши мамлакатда тинчлик жараёнини мустахкамлаш мақсадида Либерия нисбатан қурол етказиб бериш ва иқтисодий жазо чоралари учун эмбарго яна бир йилга узайтириш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

● Украинада президентлик сайловининг иккинчи тури қайта овоз бериш жараёни бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси овозларнинг деярли барчасини ҳисоблаб чиқди. Натижада мухолифат вакили Виктор Юшенко кўпроқ овоз олганлиги ойдинлашди.

● Жануби-Шарқий Осиё давлатларида юз берган зилзила ва тўфонлар оқибатида сўнги маълумотларга қараганда Шри-Ланкада 12 минг, Индонезияда 10 минг, Ҳиндистонда 6300, Таиландда эса 2 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

● Франциянинг Мюлуз шаҳрида жойлашган кўп қаватли бинонинг портлаши натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмган, бир неча ўн киши турли даражадаги оғир тан жароҳатлари олган.

● Россия ва Хитой 2005 йилда қўша ҳарбий машғулотлар ўтказишни режалаштирмоқда. Ҳарбий тайёргарликлар тарихда илк бор ҳамкорликда амалга оширилади.

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БУГУН** Бектемир туман маданият бўлими, туман Марказий кутубхонаси ҳамкорлигида туман мактаблари ўқувчилари иштирокида «Янги йил саргузаштлари» мавзuida театр-

лаштирилган тadbирлар бошланди. Ушбу тadbир 11 январга қадар давом этади.

● **БУГУН** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими ташаббуси билан тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногирон болалар ҳўзурига яқинлашиб келаётган Янги йил муносабати билан Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюрди, болажонларга совға улашди.

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида та-

лабалар ўртасида ташкил этилган «Энг яхши дастурчи» кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** 52-максус мактаб-интернатда тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган хайрия тadbiri 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан уюштирилди.

● **КАМОЛОТ** ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман бўлими Кенгаши ва «Қамалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида тумандаги имконияти

чекланган болажонлар ҳўзурига Қорбобо, Қорқиз келиб совғалар улашди.

● **БЕКТЕМИР** туманида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан Янги йил муносабати билан **БУГУН** эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛИШНИ КУЗАТИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторига маҳаллий Кенгашларнинг депутатлиги номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлигини, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганда хотин-қизлар учун квота белгиланганлигини, шунингдек сайловолди ташвиқоти олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини қиритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси очик, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан изчил олға бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни республика фуқароларининг ўз сайлаш ҳуқуқларини рўйга чиқаришлари учун етарлича ҳуқуқий шароит яратди.

IV. Номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш

Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўпартиялилик асосида 120 депутат сайланади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партияларга, сайловчиларнинг белгиланган микдордаги имзоларини тўплаш йўли билан фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларига берилган.

Сайлов кампаниясида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган беш партиянинг ҳаммаси қатнашди. Улар Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясига 467 депутатликка номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжат топширди, шундан 461 нафари рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги талабларига асосан олти номзоднинг судланганлиги ҳолати тугатилмаганлиги ёки олиб ташланмаганлиги сабабли улар рўйхатга олинмади.

Округ сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг 150 ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинди, улардан 64 таси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжат тақдим этди. Қолганлари эса қонунчиликка белгиланган зарур микдордаги сайловчилар имзоларини тўплай олмади. Сақиз нафар даввогар тўплаган имзо варақаларидаги фуқаролар имзоларининг кўпчилиги қалбаки бўлганлиги сабабли уларни рўйхатга олиш рад этилди. Шундай қилиб, сайлов жараёнида 56 нафар мустақил номзод иштирок этди.

Сайловда парламентнинг қўйи палатаси депутатлигига 120 ўринга ажуний босқичда 517 номзод даввогарлик қилди. Шу билан бирга, сайловолди кампанияси давомида 27 номзод ўз аризасини қайтариб олди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган бир номзод Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни 27-моддасини бузганлиги учун Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан четлаштирилди.

Депутатликка номзодларнинг деярли барчаси олий маълумотли, уларнинг 30 фоиздан ортиги ҳуқуқшунос ва иқтисодиёт соҳаси му-

тахассислари, номзодларнинг 31 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

МДХ Миссияси раҳбариятининг ваколатли органларга сайлов қонунчилигига риоя қилиш борасидаги сўрономаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий судига сайлов комиссияларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олишни рад этиш билан боғлиқ ҳаракатлари бўйича тушган учта шикоят аризаси кўриб чиқиладигани ҳақида маълумот олинди. Олий суд томонидан бу шикоятлар қаноатлан-тирилмаган.

V. Сайловолди ташвиқоти

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олгандан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди. Сайловолди ташвиқоти кампаниясининг таҳлили МДХ Кузатувчилар миссияси томонидан 2004 йил 17 декабрда чоп этилган ахборотномада баён қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, умуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш очик ва ошкора тарзда амалга оширилди. Сайловчилар сайлов ҳаракатларини амалга ошириш муддатига ва тартибига, сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари ва депутатликка номзодларнинг дастурларидан баҳардор қилинди.

Қонунчиликка мувофиқ ҳужжатнинг ижроия органлари сайловолди тадбирларини — сайловчилар билан йиғилишлар ва учрашувларни, оммавий бахс-мунозараларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмқолади. Партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар ўз мақсадларини ифода этиш учун оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш имконига эга бўлди.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарорига мувофиқ эфир вақти ва босма майдонни тақдим этиш тартибини, шунингдек, депутатликка номзодларга ўзларининг сайловолди дастурларини сайловчилар эътиборига ҳавола этиш имконини берадиган муайян умумреспублика матбаа нашрлари ва электрон оммавий ахборот воситаларини белгиллади.

МДХ кузатувчилари сайловолди курашлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида, гиром технологиялардан фойдаланмаган ҳолда, тартибга ўтганини қайд этишди.

VI. Овоз беришни ва овозларни санаб чиқишни кузатиш

МДХ халқаро кузатувчилари Ўзбекистонда ташкил этилган 120 сайлов округидан 113 тада кузатув ишларини олиб бордилар.

Қун давомида МДХ кузатувчилари 612 участкада бўлдилар. Улар Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар билан учрашдилар.

Ҳамдўстлик Миссияси кузатувчилари борган барча участкалар ўз вақтида очилди. Уларнинг фикрича, овоз бериш жараёни оқойишта ва ишчанлик муҳитида ҳамда миллий сайлов қонунчилигига тўла мос тарзда ўтди. Участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон фуқаролари эркин ва яширин овоз беришлари учун шароитни таъминлади.

Сайлов участкаларида депутатликка номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Сайлов куни сайловчиларнинг фаоллигини, овоз бериш жараёни ва сайлов участкаларининг техник жиҳозланиши яхши ташкил этилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Участкаларнинг аксариятида она ва бола хоналари, бирламчи тиббий ёрдам пунктлари ташкил этилган ҳоҳиямат органларининг сайловчиларга кўрсатган ғамхўрлигидан далолатидир.

Овоз бериш жараёнида МДХ кузатувчилари томонидан айрим жузъий нуқсонлар қайд этилди. Масалан, баъзи бир сайлов участкаларида овоз бериш қўтилари сайлов комиссияси ва кузатувчилар назари тушмайдиган жойларга қўйилган, бир сайловчиларнинг оқла аъзолари учун овоз бериш ҳоллари ҳам учради. Техник хусусиятга эга бошқа камчиликлар ҳам қўзға ташланди. Бирок бундай жузъий нуқсонлар бевосита кузатиш давомида бартараф этилди.

Участкалар ёпилгандан сўнг МДХ Миссияси аъзолари сайловчиларнинг овозлари санаб чиқишини, участка комиссиялари томонидан сайлов натижалари тўғрисида баённомалар тузилишини кузатдилар. Бунда овозларни санаб чиқишнинг қонунчиликка белгиланган тартибини бузиш ҳоллари учрамади.

VII. Дастлабки хулосалар

МДХ кузатувчилари ўзининг дастлабки хулосаларини фақат ўз кузатишлари, сайлов комиссиялари ва участкаларига таширф чоғида тушган материал ва маълумотлар ҳамда маҳаллий ва халқаро кузатувчилар билан амалий ҳамкорлик натижасида олинган ахборотлар таҳлилга асосланиб чиқардилар.

МДХ Кузатувчилар миссияси Ўзбекистон парламенти қўйи палатаси депутатлари сайлови ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтди, деб ҳисоблайди. Сайловга тайёргарлик, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва овоз бериш жараёнида қайд этилган жузъий камчилик ва нуқсонлар сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишига ва сайлов натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги меъёрларига мувофиқ ўтказилди ва сайлов қонуний, эркин ва транспарентлик асосида ўтди, деб ҳисоблайдилар.

Бизнинг хулоса ва баҳоларимизни тўғри деб ҳисоблайдиган. Бошқа барча халқаро кузатувчиларни мазкур Баёнотга қўйишига даъват этамиз.

МДХ Кузатувчилар миссиясининг иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигиде қабул қилинган тартибга мувофиқ Ҳамдўстлик Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этилади.

тайёргарлик жараёнларини кузатиш, олиб борилган ташкилий ишлар демократия тараққиёти тоған жамиятларга хос тарзда ва барча талабларга жавоб берадиган равишда ташкил этилганлиги, кўрсатилган номзодлар тенг ҳуқуқлиги таъминланганлиги, фуқаролар ўз ҳуқуқларини библишлари учун қўллаётган ишлар таҳсинга лойиқлиги тўғрисида фикр билдирди.

Учрашув сўнгиде, Г.Стивенсон Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсади мавжудлиги ва 2005 йил январь ойидан бошлаб, шаҳарда тренинг, семинар ва дебатлар ташкил этиш нияти борлигини таъкидлади.

Иқтисодиёт

АНОР ПЎСТЛОФИ- ДАН БЎЁК

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «HAN BIO TESH» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари республикада етиштирилаётган анор мевасидан табиий шарбат тайёрлашни йўлга қўйиб, қолмай, унинг пўстлогини ҳам исроф қилмай трикотаж маҳсулотларига ранг берувчи табиий бўёқ тайёрлаш йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

«Ташаббус-2004» қўриқ-танловининг Сергели тумани босқичида «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга қиритиб, биринчи ўринга сазовор бўлган жамоа ахли нафақат ички бозорни харидоригар мева шарбатлари билан таъминлаш, балки рақобатбардош ва жохон андозалари даражасидаги товарларни турли усулда қадоклаб хорижий давлатларга экспорт қилишни ҳам йўлга қўйишган. Ҳозирда 26 ишчи-хизматчининг самарали меҳнатлари билан мавсум давомида юксак унумли замонавий хориж дастгоҳлари ёрдамида қайта ишланиб қадокланаётган малина, шотут ва анор концентрат ва шарбатларига Жанубий Корея, Қозғистон, Россия ҳамда Исроил давлатларидан буюртмалар тушмоқда.

Айни пайтда қорхонада анор шарбати тайёрлаш қизгин паллага қирган. Шу билан биргаликда нафақат мавсумда, балки йил бўйи ишчиларни иш билан таъминлаш мақсадида янги маҳсулот турларини яратиш йўлида сай-ҳаракатлар давом этмоқда. Улар табиий ўтлардан, қизил узум пўчқаларидан бўёқлар тайёрлашга, анор данагидан парфюмерия санаотида ишлатиладиган, шунингдек, доривор ўсимликларнинг илдизлари қолдиқларидан экстрактлар ишлаб чиқаришни амалга оширишга бел бошлашган. Бунинг учун эса изланишлар билан бир қаторда, ана шундай маҳсулотларга талабдор қорхоналар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишга ҳам эътибор қаратилган.

ХОРИЖИЙ ХОМ АШЁДАН

Ўзига ярашиб турган иш қиймалари кўпчилик соҳа ходимларининг кайфиятини кўтариб, меҳнатига масъулиятини ҳам оширади. Айниқса, у қулай, бежирим, талабга мос бўлса, ишда ҳам унум бўлишига ҳисса қўйиши табиий.

Яқингинада иш бошлаган «Patoki» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ҳам буюртмаларга асосан ана шундай бежирим ва қулай иш қиймалари тайёрлаш йўлга қўйилган. Ҳозирда ҳар бир соҳа ходимларининг дид ва эҳтиёжи, шунинг баробарида талабга мос маҳсулус иш қиймалари тайёрлаш учун ҳам ашё, яъни сифатли матолар хориждан келтирилмоқда. Келгусида эса маҳаллий хом ашё ҳисобига рақобатбардош маҳсулотлар тиқиш ҳам қўзда тутилган.

Хусусий фирма модельер ҳамда чеварлари бозорни ўрганиш ҳамда хорижий ускуналардан унумли фойдаланиш асосида буюртмачи талабни сифатли ва вақтида адо этмоқда. Улар «PGS» хусусий қорхонаси, «Термаком» қорхонаси ҳамда республика Ички ишлар вазирлиги буюртмаларини сифатли адо этишди. Сифатга қаратилган эътибор эса буюртмалар сони ортишига имконият яратмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Халқаро Республика институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Грек Стивенсон билан учрашув ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Учрашувда Грек Стивенсон Халқаро Республик институтининг ташкил этилиш тарихи, унинг мақсади ва вазифалари, институт фаолиятининг муҳим жиҳатлари ҳамда бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Ахмедов

мав пойтахтда ижтимоий-сиёсий, маданий жабҳаларда олиб бориладиган ишлар, халқаро ва жомат ташкилотлари билан ўрнатилган алоқалар ҳамда улар билан ўзаро ҳамжўраликда олиб бориладиган ишлар ва сермаҳсул ҳамкорлик натижалари хусусида сўзлаб берди.

Мазкур учрашувда Ўзбекистон Республикасида демократик, ҳуқуқий жамият барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари, сайлов жараёнлари ва унда ҳоҳиямат органларининг вазифалари хусусида ҳам сўз борди.

Г.Стивенсон Ўзбекистонда парламентга ўтказиладиган сайловга

Сўраш

КОМПЬЮТЕР
ТОМОГРАФИЯСИ

Компьютер томографияси! Бу янги ибора соғлиқни сақлаш муассасаларида эндиликда тез-тез тилга олинмоқда. Муолажанинг бу усули тиббиётнинг травматология ва ортопедия йўналиши амалиётида аниққас қўл келади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти мутахассислари компьютер томографиясидан янги истиқболли даволаш усули сифатида фойдаланмоқдалар.

Бундан ташқари магнитли-резонанс томографияси ҳам бу шифобахш муассасасда ўзига кенг йўл топди. Синган суяклар муолажасида қўлланилган бу усул аниққас катта фойда беради. Электрофизиологик ва биомеханик усуллар ҳам тажриба синовидан яхши ўтди. Эндопротезлаштирилган усулда амалга оширилаётган муолажалар ҳам яхши наф келтирмоқда.

Институт шифокорларининг изланишлари натижасида остеосинтез соҳасида юзага келган тиббий ишланма ҳам ўзининг истиқболли эканлигини кўрсатди. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, бу йўналишда илмий муассаса ҳамдўстлик давлатлари ичида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бундай изланишлар институт жамоаси нуфузини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ФАКУЛЬТЕТДА
ИЛМИЙ
ЛАБОРАТОРИЯ

Бугунги кунда республикамизда пахта саноати технологиясини такомиллаштириш жараёнилари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда кўрилатган илмий ва амалий тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари изланишлари ҳам ушбу йўналишни давр талабиди ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Олий ўқув юртида илмий лабораториянинг ташкил топиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

«Пахта саноати техника ва технологияси муаммолари» деб номланган ушбу илмий-амалий кузатиш маркази институтнинг пахта технологияси ва механика факультети ҳузурида фаолият кўрсата бошлади. Пахтачилик технологияси истиқболлари бўйича олиб борилаётган изланишларга ҳам қўл урилди.

«Ўзпахтасаноат», «Ўзбек-кентгиласаноат» ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида қатор муаммолар ҳал этилади. Шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари лаборатория учун ҳам, корхоналар учун ҳам икки томонлама фойдали бўлади, албатта.

Сарвар ЖўРАЕВ



Мамлюклар

МЕХР ҚУЁШИ ЧАРАҚЛАГАН КҮН

Дунёда меҳру муҳаббатдан, эзгу ишларга бош-қош бўлишдан ортиқ савобли юмуш бўлмас керак. Айниқса тақдир тақозоси билан ота-она, яқинлари меҳридан бенасиб бўлган болажонларнинг бошини силаш, уларнинг таълим-тарбияли, соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш энг савобли амаллардан биридир. Ўтиб бораётган «Меҳр ва муруват» йилида қанчадан-қанча ибратга, хайр-саховатга йўғрилган юмушлар амалга оширилди, кўнгиллар кўтарилиб, муҳтожларга катта кўмак берилди.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Энг яхши меҳрибонлик уйи» ҳамда «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» кўриктанловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Шу куни танлов катнашчилари — болажонлар учун чинакамга байрам бўлди десак асло янглишмаймиз. Алвон гуллар шаклидаги шарлар билан безалган санъат қосонаси эрталабдан республикамизнинг барча вилоятларидан келган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг шодон ўйин-кулгуларига тўлиб кетди. Тадбир бошланишида эса меҳру муҳаббатни, хайру-саховатни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди. «Ором» дастаси ижросида диларабо кўшиқлар янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Халқ таълими вазири Т.Жўраев ва «Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилиги ҳамғармасининг Вазирлиги Кенгаши раиси Л.Каримовлар тадбирни очиб, кўриктанловнинг асосий мазмун-моҳияти ва шартлари билан таништиришди.

— Кўнгли кемтик, меҳрга илҳам болажонларини тарбиялаётган мана шундай машаққатли ва шарафли касб эгалари — Меҳрибонлик уйларида меҳнат қилаётган фидойи тарбиячилар, мураббийларни рағбатлантириш, уларнинг фаолиятларини қадрлаш муҳим вазифа, — деди жумладан «Сен ёлғиз эмассан» республика Болалар жамоатчилиги ҳамғармаси Вазирлиги Кенгаши раиси Л.Каримов.

«Юрагимни болаларга бағишлайман» шiori остида ўтказилган ушбу танловнинг биринчи босқичида ўз худудларида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номига сазовор бўлган 15 та Меҳрибонлик уйлари беллашди.

Хар бир муассаса ўз фаолиятини кўрсатиб берувчи видеороликлар орқали томошабинларда ўз уйлари ҳақида тасаввур уйғота олди. Айниқса Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи вакиллариининг ўз масканлари ҳақидаги хикояси, Юнусов туманидаги 31-Меҳрибонлик уйининг сахна декорациялари, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларнинг кейинчалик ҳаётда эришган ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар барчани беҳад қувонтириб, руҳлантириб юборди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзаро дўст, бир оила фарзандларидек яшашлари, яратилган шарт-шароитларни сахна кўриinishларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Муסיкий танаффусдан сўнг танловнинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда Корақалпоғистон Республикаси ва юртимизнинг барча худудларида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номига сазовор бўлган 14 нафар тарбиячи ва мураббийлар ўзаро беллашдилар. Улар ўз фаолиятлари, ўтказиб берган ҳар бир машгулотлари, болаларга бўлган муносабатлари ва касб маҳоратларини сахнада кўрсатиб, ранг-баранг кўринишларда намоён этишга интидилар.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар яқинлашиб нуфузли ҳакамлар ҳайъати танлов ғолибларини эълон қилди. Унга кўра «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номинацияси бўйича республика танлови ғолиби деб Кўкюн шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи топилди ва I даражали диплом ва компьютер синфи билан тақдирланди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган пойтахтимиздаги Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйига II даражали диплом ва компьютер мажмуи, учинчи ўринни кўлга киритган Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйига III даражали диплом ва рангли телевизор, видеомагнитофон топширилди.

«Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номинацияси бўйича эса биринчи ўринга Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Хилола Остонова муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни Корақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Ширин Фоййпова забт этган бўлса, учинчи ўрин шахримиздаги 30-Меҳрибонлик уйи мураббийи Феруза Усмонқужаева насиб этди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шуниси эътиборлики танловда катнашган барча иштирокчилар ҳам совға-салом, анвойи гуллар билан тақдирландилар.

Хулоса сифатида шунинг айтиш мумкинки, бутун тадбир давомида янграган шўх муסיқа, диларабо ракс, кўтаринки руҳ меҳру муҳаббатнинг нақадар қадри баланд эканлигини далolat берди. Диллар яйраб, кўнгиллар қўтарилган ушбу кўннинг узок вақт ёдда қолишига шубҳа йўқ.

Шoира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Кўнгли ўтган танловдан лавҳалар.

Владимир Гранкин
олган суратлар.

Анжуманлар

АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Истиклол аждодларимизга хос ва мос олижаноб инсоний қадриятларимиз, урф-одат ва удумларимизнинг тикланиши ва унинг янада янги мазмун билан бойитилишига кенг имкониятлар яратмоқда. Аёл борки, жамиятда, оилада, ижтимоий муҳитда тинчлик-тотувлик, осойишталик, эзгулик, тадбиркорлик, меҳрокият бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаган юртимизда ижтимоий, маънавий-маърифий муаммоларни ҳал қилишда хотин-қизлар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг асосийси эса хотин-қизларга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди.

DEDEMAN меҳмонхонасида аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мақоми оширишга бағишланган «Ўзбекистон хотин қизлари: кеча ва бугун» деб номланган илмий-амалий анжуманнинг ташкил этилиши ҳам фикримиз далилидир. Уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар Аёллар ресурслар маркази ҳамкорликда ўтказди.

Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова очар экан «Аёл

тарих кўзгусида» мавзусига тўхталиб ўтди. Жумладан нотиқ бугунги замон аёлининг жамиятдаги ўрни, мақоми, олиб бораётган ишларининг салмоғи, ютуқ ва камчиликлари, муаммолари, кийиниш маданияти, одоб ва ахлоқ мезонлари ҳусусида сўз юритди. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори Дилором Алимова «Миллий тафаккур ва аёллар масаласи, ўтмиш тимсоллари: Увайсий, Зебунисо, Тўмарис, Нодира-бегим ҳаёти ва иқоди» мавзусида атрофлича маъруза қилди.



нинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда Корақалпоғистон Республикаси ва юртимизнинг барча худудларида «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номига сазовор бўлган 14 нафар тарбиячи ва мураббийлар ўзаро беллашдилар. Улар ўз фаолиятлари, ўтказиб берган ҳар бир машгулотлари, болаларга бўлган муносабатлари ва касб маҳоратларини сахнада кўрсатиб, ранг-баранг кўринишларда намоён этишга интидилар.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар яқинлашиб нуфузли ҳакамлар ҳайъати танлов ғолибларини эълон қилди. Унга кўра «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» номинацияси бўйича республика танлови ғолиби деб Кўкюн шаҳридаги 17-Меҳрибонлик уйи топилди ва I даражали диплом ва компьютер синфи билан тақдирланди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган пойтахтимиздаги Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйига II даражали диплом ва компьютер мажмуи, учинчи ўринни кўлга киритган Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйига III даражали диплом ва рангли телевизор, видеомагнитофон топширилди.

«Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» номинацияси бўйича эса биринчи ўринга Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Хилола Остонова муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни Корақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Ширин Фоййпова забт этган бўлса, учинчи ўрин шахримиздаги 30-Меҳрибонлик уйи мураббийи Феруза Усмонқужаева насиб этди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шуниси эътиборлики танловда катнашган барча иштирокчилар ҳам совға-салом, анвойи гуллар билан тақдирландилар.

Хулоса сифатида шунинг айтиш мумкинки, бутун тадбир давомида янграган шўх муסיқа, диларабо ракс, кўтаринки руҳ меҳру муҳаббатнинг нақадар қадри баланд эканлигини далolat берди. Диллар яйраб, кўнгиллар қўтарилган ушбу кўннинг узок вақт ёдда қолишига шубҳа йўқ.

Шoира МУХАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Кўнгли ўтган танловдан лавҳалар.

Владимир Гранкин
олган суратлар.

Анжуман «Аёл тарих кўзгусида», «Хозирги замонда аёлларнинг гендер роли ва миллий менталитети», «Ижтимоий муаммоларда аёл қиёфаси» йўналишидаги уч босқичда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг муаммолари ва ечимлари, Ўзбекистон тарихида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, қадимий туркий халқлар жамиятида аёлларнинг мақоми, хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги фаоллигини оширишда хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва вазифалари, ижтимоий муаммоларда аёл қиёфаси мавзусида чиқишлар қилинди.

Илмий-амалий анжуман сўнггида олимпиада аёллар, туман хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, анжуманга тақлиф этилган меҳмонлар иштирокида мунозара ва мушоаҳада бой давра суҳбат ўтказилди. Унда «Аёл ва бошқарув», «Аёлларнинг оиладаги ҳақ тўланмас меҳнати», «Аёллар жамоат бирлашмаларининг давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги» масалалари бўйича фикр-мулохазалар ва тақлифлар билдирилди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири.

Шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, унинг мақсади, вазифалари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
Домо бўлур...

● Фарзандлар ота-онага илҳом элиб, ҳар бир дуррасини уларнинг рисолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан ҳаддан қилади, ота-она хурсанд-чилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебодаси деб билади. Наҳот эшигининг қалити ва саодат гулдорининг насими ота-она туйғули хосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мудоа шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру-муҳаббат оғирасини ғуборлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналари яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ҲИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳазилларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати оғирлигини оғир, руҳроҳати кам бўлишида, тил роҳати оғирлигини оғир» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмак энгинга йўл қўймоқ ва маломатга қўлмоқдир.

Агар кўрсангки йўлда

Агар хомуш ўтирсанг
чоҳдир,
зўр гуноҳдир!Байт:
Агарчи жим ўтирмак
хирадманд наздида
хушдир,Валекин маслаҳат
пайтида хуш бўлмай
фикр айтмоқ,Билиб қўй, икки пайта
жим ўтирмак
бефаҳмликдир.Керак пайтида сўз
айтмай, нокерак пайтида
дам урмоқ!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатини ўйлаб иш тулуғчилар учун нолойик ишдир. Шунингдек, гапирш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Ақлу тadbир билан

Серпан бўлса ҳар ким
уйлаб қарадим,
доим хор экан.Айтмагайман лабу
кўзни юм доим,
Аммо ҳар бирининг
жойи бор экан.

● ҲИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан қўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсар, Ҳинд роҳаси, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келишди ва бир маълумоти сўзларни турли йўлдан баён илгари тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ наҳомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан
наҳомат етмас,
Сўз айтилган, ўндан
зарар юзланар!

Ҳинд роҳаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён илгари тизди: «Сўз ўқи баён қамонидан ҳали отилмаган экан у меннинг қўл остидадир. Оқил қамонидан отилиб чиқса, унга энди эгалик қилолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни
айта оларсан,
Айтилгани қачон
тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи қамондан унча ва ҳар қалима оғиз илдизидан қўса уни қайтариб оғаман дейиш хом ҳаёликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин
доимо ўзни,
Истаганда айтсанг
бўлади сўзни!

Чин фағфури сўз бўстонидан гулдаста ҳозирлаб, тўхфа қилган ҳолда деди: «Сўз қўли оғиз қафасида экан, унинг истиёри меннинг изимдадир. Бордию, у тил оғирасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди».

Қўншидаги гаплар

МУҚАДДАС НОМЛАР
УНУТИЛМАЙДИ

Юртимиз мустақилликка эришгач, улкан бунёдкорлик ишларини олиб бориш билан бир қаторда, тарихий ва азалий миллий кадриятларимизни тиклаш борасида ҳам улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда гўзал диёримиз ва азим пойтахтимизда илгари ҳатто номини тилга олиш тақиқланган улуғ бобоқалонларимизнинг муқаддас номлари ҳамда унут бўлиб кетаётган жойларнинг тарихий номларини тиклаш борасида кенг қўламдаги ишлар олиб боришмоқда.

Тарихдан яхши маълумки, ҳозирги Акмал Икромов туманида жойлашган «Учтепа» маҳалласи ҳудудида қадимда бир нечта тепаликлар мавжуд бўлган. Улар орасида учта тепалик ўзининг баландлиги ва катталиги билан алоҳида ажралиб турган. Бу тепаликлар олисдан олисдан маёқ сифатида қўриқиб турган. Учтепа йўловчилар учун ўзига хос мўлжал вазифасини ўтаган. Шу боис ушбу жой тарихда Учтепа номи билан маълум ва машҳур бўлган.

Қадимда бу тепаликлар орқали халқ осийишталари сақланган ҳамда жарчилар ерли аҳолини қувончи ёки ташвишга қўйиб турган. Бу тепаликлар олисдан олисдан маёқ сифатида қўриқиб турган. Учтепа йўловчилар учун ўзига хос мўлжал вазифасини ўтаган. Шу боис ушбу жой тарихда Учтепа номи билан маълум ва машҳур бўлган.

тўғрисида тезда халққа хабар етказиб, хавф-хатарнинг олдини олишга муваффақ бўлишган. Ушбу тепалик Кўкча даҳасининг ўзига хос қўргони бўлган.

Собиқ шўро даврида йўқ қилинган мазкур тепалик салкам 3 минг йиллик тарихга эга эди.

1966 йилги Тошкент zilzilasidan сўнг пойтахтда катта қурилишлар олиб боришга боис, ушбу тарихий тепаликлар тупроғи гишт заводлари учун хом ашё сифатида олина бошланган. Тахминан 1980 йилларга келиб, жойдаги уч тепалик тепа сифатида ўз мавқеини йўқотган.

Кўриниб турибдики, Учтепа туманимиздаги энг тарихий номлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда жойдаги маҳалла ва унинг ҳудудидаги кўчалардан бири Учтепа номи билан юри-

тилади. Бизнинг фикримизча, бу тарихий ва муқаддас ном билан янада кенг маъмурий-ҳудудий бирлик, жумладан туманимиз қайта номланса мақсадга мувофиқ бўларди ва тарихий ҳақиқат қарор топиб, кенг жамоатчилигининг оро-истаклари амалга ошган бўлар эди.

Уйлаймизки, бизнинг ушбу тақлифимиз тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан атрофчила ўрганилиб, якуний бир тўхтамга келинади.

Раҳимжон НОДИРОВ,
Акмал Икромов туман
«Нуроний» жамғармаси
бошқаруви раиси.
Маҳмуд ЁҚУБОВ,
Акмал Икромов туман
«Маҳалла» жамғармаси
бошқаруви раиси.
Мухтор ИЛҲОМОВ,
«Учтепа» маҳалла
фуқаролари йигини раиси.

ЁШ ОФИЦЕРЛАР ИБРАТИ

Мамлакатимизда оммавий Ватанпарварлик тadbирлари давом этмоқда. Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Тошкент ҳарбий округи ёш офицерларининг навбатдаги йигини бўлди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тadbирда ҳарбийлар, жамбoтчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққан Тошкент ҳарбий округи қўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов ва бошқалар мамлакатимизда Қуролли Кучларни, профессионал армияни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш ва юртимизда тинчлик-осойишталикни мустақамлашда Ватан ўғлонларининг хизматлари кат-

тadир.

Округнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ҳарбий хизматини аъло даражада бажариб, сафдошларига ўрнак бўлган ёш офицерлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тadbир Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти билан якунланди.

ЎЗА

ТОМОША ҚИЛИНГ,
МИРИҚИБ ДАМ ОЛИНГ

Янги йил ўзининг кутлуғ қадамлари ила эшик қоқиб келмоқда. Ҳаммининг қалбида ўзгача шуқуҳ, юзида табассум. Болажонларни айтмайсизми, улар ҳар йили Янги йилни, Қорбобо ва Қорқизни, уларнинг қопларига гаройиб совғаларни, ям-яшил безатилган арчанинг атрофида қўшиқ айтиб қўйлашни интиқлик билан, соғиниб кутишади.

миз саралаб олинган. Журналистларимиз, режиссёр, оператор, муаллифларимиз тинмай изланиб, интилиб, фаоли-

тайёрланмоқда. «Биргаликда қўйлаймиз», «Шунчаки ҳазил», «Аёллар салтанати», «Ёқимли иштаҳа» кўрсатувларини, «Ҳаётда ҳамма нарсаси бўлади» ҳинд кинофильмини 30 декабрь куни кўрсангиз, 31 декабрь куни эса, «Аёллар қалби», «Янги йил хангомалари» 3 қисмдан иборат ҳазил кўрсатуви (Мирза Холмедов, Валижон Шамсиев, Шуқурулло Исроиллов иштирокида), «Янги йил оқшомлари» шоу базми, «Ашу-

лачи бўлмаган ашулчилар» (Саида Раметова, Мадина Мухторова, Раъно Ярашева), Шарқ эстрадаси юлдузлари ижросида концерт, болаларга мўлжалланган дастурлар ва барча дилга хуш ёқувчи кўрсатувларни томоша қиласиз.

Дастурларни тайёрлашда телеканалнинг жанкуяр ҳодимлари Ирина Нисирова, Шоира Содиқова, Эльмира Тухтафулина, Марат Асадуллаев, Солиҳон Қодиров ва бошқалар жанбузлик кўрсатишмоқда.

Уйлаймизки «Тошкент» телеканалининг Янги йил дастури ўз муҳлисларининг ва томошабинларнинг кўнглидан, қалбидан, юрагидан муносив жой олади.

Гулчехра САТТОР кизи
СУРАТЛАРДА: Янги йил кўрсатувларини тайёрлаш жараёнидан лавҳалар.

Алишер Рискмев (ЎЗА)
олган суратлар



рада «Тошкент» телеканалда ҳам қизгин тайёргарликлар кетмоқда.

— Телеканалимиз, янги Сихат-саломатлик йилини аъло кайфият, кўтаринки руҳ, шижоат ила қўтиб олишга қизгин киришиб кетди, — дейди «Тошкент» телеканали директори Незмат Саидхонов. — Чунки барча кўрсатув ва томошалари-

ят кўрсатишяпти. 30 ва 31 декабрь кунлари энг қизиқарли ҳаммабoл, ажойиб кўрсатувларни, ичақузди латиғаларни, турли хил маслаҳатларни, қўйиқилларни, жамики яхшиликка ва эзгуликка йўғрилган кўрсатувларни бизнинг каналимиз орқали қўриш мумкин...

Дарҳақиқат, «Тошкент» телеканалда Янги йил дастурлари ранг-баранг ва сержило



Алишер Рискмев (ЎЗА) олган суратлар

Азиз муштарийлар!

HUMO

ҳафталик газетаси барчангизни
кириб келаётган янги

2005 йил

билан қутлайди.

Бахт, омад, қувонч

ва файзу барокат

ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Янги йилда «HUMO» билан!

Сизни янги йилда газетамиз саҳифаларида кўпдан-кўп
қизиқарли маълумотлар, мақолалар,
викторина ва танловлар кутмоқда.

2005 йилда биз билан бирга бўлинг.

«HUMO» газетаси йил давомида ўзингиз, яқинларингиз, дўстларингиз
учун энг яхши совгадир.

Севимли газетангиз «HUMO» хонадонингизнинг азиз ва қадрдон меҳмони бўлсин!

Якка тартибдаги обуначилар учун обуна индекси 360, бир йилга обуна баҳоси 13.542 сўм.
Ташкилот ва фирмалар учун обуна индекси 365, бир йилга обуна баҳоси 16.896 сўм.



АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«Тошкент» ҳайвонот боғи
Сизларни кириб келаётган
янги 2005 йил — Сихат-сало-
матлик йили билан чин юрак-
дан муборакбод этиш билан
бирга Сизларга ҳақиқий бай-
рамона кайфият улашиш,
ажойиб маданий ҳордиқ чи-
қаришингизга кўмак бериш
ҳамда жажжи болажонлари-
мизга киши таътил мобайни-
да 2004 йил — 30 декабрдан
2005 йил 10 январга қадар
хурсандчилик ва қувонч ба-
ғишлаш мақсадида ҳайвонот
боғида арча байрамни ўтқа-
зади. Хурматли юртдошлар,
Сиз ила байрам тантанасини
нишонлаш биз учун катта бах-
тдир!

Бектемир туманида жой-
лашган «Коммунал қури-
лиш сервис» масъулияти
чекланган жамияти жамият
таъсисчилари ва 12 милли-
он сўмлик устав жамғарма-
сини 3 миллион сўмга
ўзгартирилганини билди-
ради.

Янги йил арафасида Г.В.Плеханов номли иқтисодиёт академияси-
нинг Тошкент бўлимида шахмат бўйича ректор соврини учун мусо-
бақа ўтказилди. Мазкур мусобақада республикамизнинг таниқли
ёзувчи ва олимлари билан бир қаторда талабалар ҳам иштирок этиш-
ди.

Шахмат

ҲАВАСКОРЛАР ДОНА СУРДИ

Айниқса Ўзбекистон халқ шоири Эр-



кин Воҳидов, Ўзбекистон
Қаҳрамони, адабиётшунос
олим Озод Шарафиддинов,
шунингдек, профессорлар
Шукур Темиров, Олим Обидов ва бошқ-
аларнинг иштирок этишлари турнирнинг
янада қизиқарли бўлишини таъминлади.

Турнирда биринчи ўринни Тошкент
Давлат иқтисодиёт университети талаба-
си Дамир Хуснитдинов эгаллаб, бош му-
кофот эгаси бўлди. Иккинчи ва учинчи
совринли ўринларни шу университетнинг
талабалари Севара Юсубалиева ва Бо-
бур Маъмуровлар қўлга киритишиб, пул



мукофоти билан тақдирланишди. Мусо-
бақада фаол иштирок этиб ажойиб ўйин-
лари муҳлислари эътиборини қозонган
иштирокчиларга ҳам пул мукофотлари ва
қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)
**СУРАТДА: мусобақадан лавҳа, тур-
нир қатнашчилари.**
Шавкат Қаҳҳоров олган суратлар

Маънавият

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ЛУҒАТ

Ўзбек тили тарихи бўйича
қатор луғатлар тузилиб, кўп
нусада чоп этилди. Ўзбеки-
стон Фанлар академиясининг
Тил ва адабиёт институти

ўзбек тили тарихи ва диалек-
тологияси бўлими олимлари-
нинг самарали изланишлари
туфайли «Навоий асарлари
учун қисқача луғат», «Мумтоз

адабий асарлар ўқув луғати»
каби нашрлар ҳам юзага кел-
ди.

Шу кунларда бўлим яна бир
йирик луғатни тузиш устида хид-
дий иш олиб бормоқда. «Мумтоз
адабий асарлар учун луғат» деб
номланган бу тўплам мактаб
ўқувчилари учун махсус тайёр-
ланмоқда.

Мазкур луғат лотин ёзувида-

ги янги алифбода босмага тай-
ёрланмоқда. Айни вақтда унга
фақат мактаб ўқувчилари учун чоп
этилган мумтоз адабиёт намуна-
ларида учрайдиган сўзларнинг
киритилади. Бу эса билим ўқоқ-
ларида ўзбек мумтоз адабиётла-
ри машғулотларининг янада ту-
шунарли ва мазмунли бўлиши-
ни таъминлашга ёрдам беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нусхада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.